

**«Ўзпартампонаж» АЖ акциядорларнинг 2019 йил
яқунлари бўйича умумий йиғилиши
1 – сонли Б А Ё Н Н О М А С И**

30 сентябр 2020 йил
Йиғилиш бошланиш вақти: 15:00

Қоровулбозор шаҳри,
Қарши шох кўчаси, жамият биноси

Акциядорлар умумий йиғилиши президиуми:

Умумий йиғилиш раиси ва

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини

бошқариш агентлиги»нинг

ваколатли вакили -

Ахмедов Ж.Р.

«Eriell GmbH» Чет-эл Компаниясининг

ваколатли вакили -

Махмудов А.Ў.

«Ўзпартампонаж» АЖ директори -

Суиров Б.О.

Йиғилиш котиби:

Мингяшаров Н.Қ.

Жами овоз берувчи акциялар сони – 8447400 дона

Жами акциядорлар сони – 490 киши

Қатнашдилар:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги»нинг вакили ишончнома асосида Ахмедов Ж.Р. – 3 041 090 та овоз, «LEMAN CAPITAL» МЧЖ вакили ишончнома асосида Махмудов А.Ў. – 816 200 та овоз, «Eriell GmbH» Чет-эл Компаниясининг вакили ишончнома асосида Махмудов А.Ў. – 1 267 110 та овоз ва бошқа 3 нафар жисмоний шахс – акциядорлар 44 100 та овоз билан қатнашдилар.

Кворум – 61,18%.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
2. Санок комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. «Ўзпартампонаж» АЖнинг Кузатув кенгашининг 2019 йилда ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонуни ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
4. «Ўзпартампонаж» АЖ директорининг 2019 йил яқунлари бўйича Бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узок ва ўрта муддатга мўлжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботини тасдиқлаш.
5. «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2019 йил молиявий хўжалик фаолияти яқунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фойдаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
6. «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
7. «Ўзпартампонаж» АЖ кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
8. «Ўзпартампонаж» АЖ тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.
9. «Ўзпартампонаж» АЖ директорига 2020 йилда тўланадиган рабатлантириш ва компенсацияларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш.
10. «Ўзпартампонаж» АЖнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган текшириш ҳамда самарадорлик муҳим кўрсаткичлари (СМК), самарадорлик йиғинди кўрсаткичларари (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фойдаларининг ҳисобланган миқдорини

текшириш учун ташқи аудиторни тасдиқлаш.

11. “Ўзпартампонач” АЖнинг Устави ва “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Якка тартибдаги ижрония органи – директори тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Э Ш И Т И Л Д И :

Ўзбекистон Республикаси “Давлат активларини бошқариш агентлиги”нинг вакили **Ахмедов Ж.Р.** кворум мавжудлигини ва йиғилишни очилишини эълон қилди. Йиғилиш иштирокчилари ичидан 3 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилишни таклиф қилди. Булар:

Ахмедов Жамшид Рустамович
Махмудов Ахмад Ўқтамович
Суяров Бахриддин Овлоқулович

Таклиф бир овоздан маъқулланди. Йиғилишда Ахмедов Жамшид Рустамович раислик қилди. Баённомани ёзиб боровчи котибни сайлаб олишни таклиф этди ва корпоратив муносабатлар ва қимматли қогозлар бўйича менежер Мингяшаров Н.Қ. номзоди кўрсатилди. Бу таклиф ҳам бир овоздан қабул қилинди.

Кун тартибидаги **биринчи** ва **иккинчи** масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қогозлар бўйича менежер Мингяшаров Н.Қ. сўзга чиқди. У Акциядорлар умумий йиғилиш кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Овозларни санаш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклифи қилди:

Эримов М. - санок комиссияси раиси.
Олимов А. - санок комиссия аъзоси
Кароматов А. - санок комиссия аъзоси

Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 11 тани ташкил этади ва ҳисобот боровчиларга 10 дақиқадан ажратишни таклиф этди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг акциядорлар умумий йиғилиш регламентини ва санок комиссиясини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 5 168 500 та овоз.
Қаршиллар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Акциядорлар умумий йиғилиш регламенти тасдиқлансини.
2. Санок комиссияси таркиби 3 кишидан иборат **Эримов М.** - санок комиссияси раиси, **Олимов А.** ва **Кароматов А.**лар - санок комиссияси аъзолари этиб сайлансини.

Кун тартибидаги **учинчи** масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси “Давлат активларини бошқариш агентлиги”нинг **Ахмедов Ж.Р.** сўзга чиқди. У 2019 йил давомида «Ўзпартампонач» АЖ директори ва етакчи мутахассислар иштирок эткан 19 та кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилиб, қарорлар бир овоздан қабул қилинганлигини ва директорининг ҳисоботлари ҳамда бевосита Кузатув кенгашининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳар чоракда тинглаб борилганлигини айтиб ўтди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамият кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 5 168 500 та овоз.
Қаршиллар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

3. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йил якуни бўйича ҳисоботи тасдиқлансин.

Тўртинчи масала бўйича «Ўзнартампотаж» АЖ директори **Б.О. Суяров** сўзга чиқди. У акциядорлик жамиятининг 2019 йилдаги молия – хўжалик фаолияти ва бажарилган ишлар, бизнес-режа кўрсаткичлари, узок ва ўрта мудатга мулкжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи ҳамда 2020 йилда олдимизга қўйилган вазифалар тўғрисида ҳисобот берди. *(маъруза илова қилинади).*

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича жамият директорининг ҳисоботини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди: **Розилар** – 5 168 500 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

4. Жамият директорининг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якунлари бўйича бизнес-режа кўрсаткичлари ҳамда узок ва ўрта мудатга мулкжалланган стратегиясини бажарилиши юзасидан ҳисоботи тасдиқлансин.

Бешинчи масала бўйича жамиятнинг бош ҳисобчиси **Файзуллаев А.А.** сўзга чиқди. У Жамиятнинг 2019 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти, молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи, самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди *(ҳисоботлар илова қилинади).*

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2019 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудиторни БХМС, МХХС ва ХАС мувофиқ ўтказилган ҳулосаси, ҳамда СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5 168 500 та овоз,
Қаршилар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ :

5. Жамиятнинг 2019 йил молиявий хўжалик фаолияти якунлари бўйича: ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан “Бухгалтерия ҳисоботининг миллий стандарти”га мувофиқ берилган ҳулосаси, ташқи аудит “NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT” МЧЖ томонидан “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартлари”га мувофиқ берилган ҳулосаси ҳамда ташқи аудит “HOMBUR-AUDIT” МЧЖ томонидан самарадорликнинг муҳим кўрсаткичи (СМК), самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи (СЙК) ва уларнинг бажарилиши фойзаларининг ҳисобланган миқдорини текшириш бўйича ҳисоботи, жамият тафтиш комиссиясининг ҳулосаси ва жамиятнинг йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

Олтинчи масала бўйича жамият бош ҳисобчиси **Файзуллаев А.А.** сўзга чиқди. У ўз нутқида 2019 йил якуни бўйича жамият 1 063 944 000 сўм миқдорда соф фойда билан

чиққанлигини айтиб ўтди ҳамда бу соф фойданинг тақсимотини дастлаб тасдиқлаш учун «Ўзпартампонаж» АЖнинг кузатув кенгашининг 2020 йил 7 сентябрдаги № 7 сонли мажлис баёнига асосан қуйидагича тақсимлашни 2 хил таклиф қилинганлигини айтиб ўтди:

1 – таклиф :

- соф фойданинг 20% ни дивидендга яъни 212 788 800 сўм, жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга (13–ойликга йўналтириш) 20% ни яъни 212 788 800 сўм, уй-жой қурилиш фондига 10% ни яъни 106 394 400 сўм, қолган 50% ни яъни 531 972 000 сўм соф фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиришни таклиф қилинди.

2 – таклиф:

- соф фойданинг 50% ни дивидендга яъни 531 972 000 сўм, жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга (13–ойликга йўналтириш) 20% ни яъни 212 788 800 сўм, уй-жой қурилиш фондига 10% ни яъни 106 394 400 сўм, қолган 20% ни яъни 212 788 800 сўм соф фойда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтиришни таклиф қилинди.

Жамият бош ҳисобчиси ўз сўзини давом эттириб бу таклиф қилинган тақсимотлардан бирини тасдиқлашни таклиф қилди.

Олтинчи масала муҳокамасидан сўнг, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш масаласи

Овозга қўйилди :	Розилар	– 5 124 400 та овоз,
	Қаршилар	– 44 100 та овоз,
	Бетарафлар	– йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

6. Жамиятнинг 2019 йил молния-хўжалик фаолияти бўйича олинган 1 063 944 000 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- дивидентга 50% ни яъни 531 972 000 сўм ажратилсин;
- жамият ишчи ходимларини рағбатлантиришга (13 – ойликга йўналтириш) 20% ни яъни 212 788 800 сўм ажратилсин;
- уй-жой қурилиш фондига 10% ни яъни 106 394 400 сўм ажратилсин;
- қолган 20% ни яъни 212 788 800 сўм пул маблағини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга йўналтирилсин.

Еттинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қогозлар бўйича менеджер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май 370- рақам билан руйхатга олинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги» қонунининг 70 моддасига асосан жамият Кузатув кенгашига ва тавтиш комиссиясига номзодларни қимлар тавсия этишни тўғрисида тўхталиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» департаменти бошлигининг 2020 йил 11 мартдаги 162/08-01 рақамли хатига асосан қуйидаги номзодларни «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни таклиф қилган:

1. Джуманазаров Юнусбек Раҳимбаевич – Иқтисодёт ва саноат вазирлиги бош бошқарма бошлиги;

2. Тухтаев Равшан Рамазонович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси;

3. Азимов Мухаммад Уктам угли – Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассиси;

4. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарма бошлиги.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги» Акциядорлик жамияти «Ўзпартампонаж» АЖ нинг 36% фонд акцияларига эгаллик қилади.

Бундан ташқари, «**LEMAN CAPITAL**» МЧЖнинг 2020 йил 10 февралдаги №6 рақамли тавсияномасига асосан, «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгашига қуйидаги номзодни киритишни таклиф қилган:

1. Гафиятуллин Артур Адгамович - «Integra Eurasia» МЧЖ директори;

2. Гафиятуллин Элина Хайдаровна - «Integra Eurasia» МЧЖ вакили;
3. Ахмедов Жамшид Рустамович - «Integra Eurasia» МЧЖ вакили;
4. Мурадов Камолитдин Нуриддинович - «Leman Capital» МЧЖ директори.

«LEMAN CAPITAL» МЧЖ «Ўзпартампонаж» АЖнинг 9,7% акцияларига эгаллик қилади.
“ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг 2019 йил 18 февралдаги ИСХ-ЕС-323 ракамли хатига асосан қуйидаги номзодларни «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгашига киритишни таклиф қилган:

1. Иргашев Рустам Курбанович - “ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили.

“ERIELL GmbH” Чет-эл Компанияси «Ўзпартампонаж» АЖ нинг 15% акцияларига эгаллик қилади.

Жисмоний шахс, Акциядор - Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг ишончномаси асосида унинг вакили жисмоний шахс Акабиров Анвар Олимовичнинг 2019 йил 26 мартдаги жамиятимизга ёзган аризасига биноан қуйидаги номзодни «Ўзпартампонаж» АЖ Кузатув кенгашига киритилишини таклиф этди.

1. Акабиров Анвар Олимович («Ўзпартампонаж» АЖнинг 13,75% фонз акцияларига эгаллик қилувчи акциядор Мирзаев Икромжон Турсуновичнинг вакили).

Еттинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг.

Жамият кузатув кенгаши таркибига қуйидагилардан 7 кишини сайлаш овозга қўйилди:

1. Джуманазаров Юнусбек Рахимбаевич – 4 257 526 та овоз берилди;
2. Тухтаев Равшан Рамазонович – 4 257 526 та овоз берилди;
3. Азимов Мухаммад Уктам угли – 4 257 526 та овоз берилди;
4. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – 4 257 526 та овоз берилди;
5. Иргашев Рустам Курбанович – 9 178 470 та овоз берилди;
6. Гафиятуллин Артур Адгамович – 5 713 400 та овоз берилди;
7. Ахмедов Жамшид Рустамович – 4 257 526 та овоз берилди;
8. Гафиятуллин Элина Хайдаровна – овоз берилмади;
9. Мурадов Камолитдин Нуриддинович – овоз берилмади;
10. Акабиров Анвар Олимович – овоз берилмади.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

7. “Ўзпартампонаж” АЖ Кузатув кенгаши таркибига қуйидаги 7 киши сайлансин:

1. Джуманазаров Юнусбек Рахимбаевич – Иқтисодёт ва саноат вазирлиги бош бошқарма бошлиги;
2. Тухтаев Равшан Рамазонович – Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси;
3. Азимов Мухаммад Уктам угли – Давлат активларини бошқариш агентлиги мутахассиси;
4. Шадманкулов Шерзод Аблакулович – Монополияга қарши курашиш қўмитаси бошқарма бошлиги;
5. Ахмедов Жамшид Рустамович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиги;
6. Гафиятуллин Артур Адгамович – «Integra Eurasia» МЧЖ директори;
7. Иргашев Рустам Курбанович – “ERIELL GmbH” Чет-эл Компаниясининг вакили.

Саккизинчи масала бўйича Н.Қ. Мингяшаров сўзга чиқди. Ўз сўзида Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари ва жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига асосан 2020 йилга тафтиш комиссияси ўрнига қуйидаги ягона тафтишчини сайлаш лозимлигини айтиб ўтди:

1. Гойинов Лазиз Ахматович – (Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосари);

Саккизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Қуйидаги Тафтишчини сайлаш овозга қўйилди:

1. Гойибов Лазиз Ахматович (Давлат активларини бошқарини агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосари) – **5 168 500 та овоз билан;**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

8. Давлат активларини бошқарини агентлиги Бухоро вилоят ҳудудий бошқарма бошлиги ўринбосари – Гойибов Лазиз Ахматович жамият тафтишчиси этиб сайлансин.

Тўққизинчи масала юзасидан Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** сўзга чиқди. Ўз нутқида Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга киритилган ўзгартиришлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28 июл 2016 йилдаги 207-сонли қарори талабларига ҳамда жамият фаолиятига тадбиқ этилган “Корпоратив бошқарув кодекси” талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг 06 май 2015 йилдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 59-моддасига мувофиқ, жамиятнинг яқка тартибдаги ижроия органига – директорига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига кириши белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда “Ўзпартампонаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2020 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдори ҳисоби жадвали ўқиб эшиттирилди (*ҳисоб жадвали илова қилинади*).

Тўққизинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Розилар** – **5 168 500 та овоз,**

Қаршилар – **йўқ,**

Бетарафлар – **йўқ.**

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

9. “Ўзпартампонаж” АЖ яқка тартибдаги ижроия органига – директорига 2020 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва (ёки) компенсацияларнинг энг куп миқдори тасдиқлансин.

Ўшшччи масала юзасидан сўзга Корпоратив муносабатлар ва қимматли қоғозлар бўйича менежер **Мингяшаров Н.Қ.** чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 мартадаги -351-УРК-сонли айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қонунга асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 79 ва 83-моддаларига ўзгартиришлар киритилганлигини, хусусан - “мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш” айтиб ўтди.

Жамиятни 2020 йил якунлари бўйича молия-ҳужалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш мақсадида танлов ўтказиш тўғрисида танлов эълон қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

“Ўзпартампонаж” АЖнинг 2020 йил якунлари бўйича молия-ҳужалик фаолиятини бухгалтерия ҳисобини миллий стандарти, халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботини халқаро стандарти бўйича текшириш учун мустақил ташкилотни танлаш учун жамиятга келиб тушган тижорат таклифларидан жамият ички аудиторининг Кузатов кенгашига берган ҳулосасига асосан қуйидаги ташкилотлардан келиб тушган тижорат таклифларидан бирини тасдиқлашни таклиф қилди:

№	Аудиторлик ташкилоти номи	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича текшириш учун хизмат хақи (сўм)	Халқаро аудит стандарти, молиявий ҳисоботининг халқаро стандарти бўйича текшириш учун хизмат хақи (сўм)	СМК ва СЎК ва уларнинг бажарилши ҳисоби текшириш учун хизмат хақи (сўм)	Лицензия	Аудиторлик жавобгарлиги сугурта полиси
1	"HOMBUR-AUDIT" МЧЖ	7 000 000	9 000 000	3 000 000	№ 00749 01.04.2019 й.	"CAPITAL SUG'RTA" МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд сўм
2	"NEWGLOBAL PROPESSIONAL-AUDIT" МЧЖ	8 000 000	8 000 000	4 000 000	№ АФ-00750 01.04.2019 й.	"CAPITAL SUG'RTA" МЧЖ сугурта суммаси 1 млрд сўм
3	"BALANS-INFORM" МЧЖ	9 000 000	10 000 000	5 000 000	№00789 05.04.2019 й.	"Euroasia insurance" МЧЖ сугурта суммаси 500 млн сўм
4	"XB FINANSE KONSULTING" МЧЖ	8 000 000	10 000 000	5 000 000	№00756 11.04.2019 й.	"Garant insurance group" МЧЖ сугурта суммаси 600 млн сўм

Ўзинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди: **Розилар** – 5 168 500 та овоз,
Қаршиллар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

10. "Ўзнартампотаж" АЖнинг 2020 йил якуни бўйича бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти бўйича ташқи аудит текширувнинг ўтказиши учун "HOMBUR-AUDIT" МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлангани ва унинг хизмат хақи 7 000 000 (етти млн.) сўм миқдориди белгилангани, молия ҳисобининг халқаро стандарти ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудит текширувнинг ўтказиши учун "NEWGLOBALPROPESSIONAL-AUDIT" МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлангани ва унга тўланадиган хизмат хақи 8 000 000 (саккиз млн.) сўм миқдориди белгилангани ҳамда самарадорлик муҳим курсаткичлари (СМК), самарадорлик йиғиниди курсаткичларари (СЎК) ва уларнинг бажарилши фондларининг ҳисобланган миқдорини текшириш учун аудиторлик ташкилоти сифатида "HOMBUR-AUDIT" МЧЖ аудитор ташкилоти тасдиқлангани ва унинг хизмат хақи 3 000 000 (уч млн.) сўм миқдориди белгилангани.

Куш тартибига қўйилган ўн биринчи масала юзасидан сўзга жамият корпоратив маслаҳатчиси А. Махмудов чиқди, у ўз сўзида жамият фаолиятида корпоратив қонунчиликга риоя этилиши ўрганиб чиқилганда жамиятда амалда бўлган Устав ва ички низомларни қонунчилик талабларига мос келтириш мақсадида, яъни Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 мартдаги 351-УРК-сонли "Айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги" қонунга асосан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кераклиги аниқланганлиги тўғрисида такидлаб ўтибди. Ушбу мақсадда ишлаб чиқилган "Ўзнартампотаж" АЖнинг амалда бўлган "Устави", "Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида"ги, "Кузатув кенгаши тўғрисида"ги, "Ички аудит тўғрисида"ги ва "Корпоратив маслаҳатчиси тўғрисида"ги низомларига киритиладиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар матни билан йиғилганлар таништирилди.

Ўн иккинчи масала муҳокамаси якунидан сўнг,

Овозга қўйилди : **Розилар** – 5 168 500 та овоз,
Қаршиллар – йўқ,
Бетарафлар – йўқ.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

II. “Ўзпартампоаж” АЖнинг янги тахрирда “Устави” ва “Аксиядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги, “Якка тартибдаги ижроия органи – директори тўғрисида”ги низомларига киритиладиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тасдиқлансин.

Умумий йиғилиш раиси



Ахмедов Ж.Р.

Йиғилиш котиби



Мингяшаров Н.К.

Баённома имзоланди «10» октябр 2020 йил.

9-масалага илова:

“Ўзпартампоаж” АЖ директориға тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг энг юкори миқдорларини белгилаш.

"Ўзпартампоаж" АЖ директориға 2020 йилда тўланадиган рағбатлантириш ва компенсацияларни энг куп миқдори ҳисоб жадвали қуйидагича:

Якка тартибдаги ижроия органи	Ўлчов бир.	Рағбатлантириш миқдори (мукофот)	Компенсация туловлари				Жами
			озиқ-овқат Қий-матини қоплаш	иш стажин учун устама-лар	чул ва сувсиз худудларда ишлаганлик учун белги-ланган коэффи-циентлар	суткалик пуллар (хизмат сафари даврида)	
Жамият директори	минг сум	70 000	0	0	0	0	70 000